

Бу йил ёзги таътилда Навоий вилояти оромгоҳларида етти минг, санаторий-профилакторийларда эса уч минг нафардан ортиқ болақай дам олади. Шунингдек, мактаблар хузуридаги оромгоҳларда 3 минг 260 бола хордик чиқаради.

Вилоятдаги «Ўзбекистон», «Офтобжон», «Дўстлик», «Арай», «Пўлкан», «Нимкон», «Матлубот» каби ўнга яқин оромгоҳлари ёзги мавсумга ҳозирлаш ишлари бошлаб юборилди. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишини ташкил этиш мақсадида вилоят ҳокими ва вилоят қасаба уюшмалари кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди. Унга биноан барча оромгоҳларни мавсумга тахт қилиб қўйиш, моддий-техника асосини мустаҳкамлаш, зарур жиҳозлар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

ЎШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 18 апрел, жума № 61 (1486)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А.Юлбарисов тўғрисида

Шу йилнинг 9 апрел кунини Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида қуролланган жиноятчини қўлга олиш пайтида оғир яраланиб, олган жароҳати натижасида вафот этган вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Абдикарим Юлбарисовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи Юлбарисов Абдикарим (марҳум) II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

2. Тошкент вилояти ҳокимлиги (У.Мирзақулов) милиция полковниги А.Юлбарисов туғилиб ўсган ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғидаги Хумсон маҳалласи фуқароларининг мувожаатини инobatла олиб, ушбу маҳаллани унинг номи билан аташ масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 апрел

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони билан белгилаб берилган ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг устав жамғармаларида давлатнинг улушини энг кўп даражада қисқартириш, объектларнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, шунингдек хорижий инвесторларни кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:


1. Қуйидагилар: устав жамғармасидаги давлат улуши ва жойлаштирилмаган активлари 2003-2004 йилларда биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотилиши керак бўлган хусусийлаштирилган корхоналар рўйхати; биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотиладиган давлат корхоналари ва объектлари рўйхати;

устав жамғармасида 25 фоиздан 51 фоизгача акциялар (улушлар) давлат мулки сифатида сақланиб қоладиган корхоналар рўйхати;

устав жамғармасида 51 фоиз ва ундан ортиқ акциялар (улушлар) давлат мулки сифатида сақланиб қоладиган стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар рўйхати тасдиқлансин.

устав жамғармасида 51 фоиз ва ундан ортиқ акциялар (улушлар) давлат мулки сифатида сақланиб қоладиган стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар рўйхати тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).



«Ишонч»га жавоб берадилар

ХУЖЖАТЛАР ФУҚАРОЛИК СУДИГА ЎТКАЗИЛДИ

Газетамизнинг 2003 йил 21 феврал сонидagi «Газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш нега пайсалга солинмоқда?» сарлавхали танқидий мақолада Андижон вилояти марказида газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш борасидаги камчиликлар, шунингдек, Қорасув, Шаҳрихон шаҳарлари, Мархамат, Пахтабод, Улугнор, Жалолқудук, Балиқчи туманларида аҳолининг газ учун қарзлари ниҳоятда кўпайиб кетганлиги қаламга олинганди.

Ушбу матбуот чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Мақола вилоят ҳокимлигида белгиланган тартибда атрофлича ўрганиб чиқилди. Камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Жорий йилнинг икки ойи мобайнида 40 та рухсатсиз табиий газ тармоғига

«Ишонч»га жавоб берадилар

улашиб олган истеъмолчилар тармокдан узилиб, 9 та ҳолат бўйича ҳужжатлар фуқаролик судига тегишли чора кўриш учун тақдим этилди.

Хозирги кунда газ ҳисоблаш ускуналарини белгиланган режа асосида ўрнатилишини таъминлаш, «зангори оловдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари»га тўла барҳам бериш юзасидан сайёҳаракатлар олиб боришмоқда. Мухим иш вилоят ҳокимлиги томонидан назорат остига олинди.

Н.МАКСУМОВ, Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари

Матбуотнинг танқидий чиқиши Норин туман ҳокимлиги, «Наманган дон маҳсулот» акциядорлик уюшмаси ҳамда тегишли назорат идоралари раҳбару мутахассислари иштирокида талабчанлик вазиятида муҳомама этилди. Унда келтирилган камчиликлар тўғрисида таъминоти раиси М.Турғунваннинг вазифасидан бўшатилганлиги, нон ишлаб чиқариш устаси К.Қўлдошев бошқа ишга ўтказилганлиги, лаборатория мудири Ж.Мурадовага нисбатан белгиланган тартибда жарима солинганлиги, 7 нафар ходим тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтмагани учун уларнинг ҳар бирига жарима солиниб, ундирилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Тезкор сайёҳаракатлар тўғрисида мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилди.

А.ФОЗИЛОВ, Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари

БАНКЛАР ҲАМКОРЛИГИ

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

«Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki»

BRITISH AIRWAYS ЎЗБЕКИСТОНДА

Британия Ҳаво йўллари (British Airways) авиакомпаниясининг «Тошкент-Лондон» йўналиши иш бошлади.

Бритиш Медитеррениан Эйрвейс Бритиш Эйрлайнс авиакомпаниясининг мустақил фаолият юритувчи ҳамкори бўлиб, у Ўрта Шарқ, Африка ва Марказий Осиё давлатларига парвозларни амалга оширар эди. Эндиликда Ўзбекистон аҳолиси ва мамлакатимиз меҳмонлари ҳам ушбу компания хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Тошкентдан Лондон Хитроу йўналиши бўйича учта парвоз амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонга янги йўналиш очиб, бу ҳамкорликнинг манфаатли эканлигини билдик, - деди Бритиш Эйрвейс компаниясининг Ўзбекистондаги савдо менежери жаноб Кошиф Содик. - Парвозлар компаниямизнинг А-320, А-321 аэробусларида бажарилади.

Мазкур аэробуслар барча қулайликларга эга. Унда Club World - Бизнес ҳамда Word Traveller-эконом бўлимлари мавжуд. Ушбу йўналишининг очилиши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожланишига хизмат қилади.

МАХАЛЛАДА МЕБЕЛСОЗЛИК УСТАХОНАСИ

Вилоят марказидаги «Хаёт» маҳалласида уй жиҳозлари ишлаб чиқариладиган янги устaxonа иш бошлади. Уни тадбиркор Каримжон Алимов ўз маблагини ҳисобидан очди. Цехда хонтахта, тумба, эшик, дераза ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришмоқда.

Дурадгорлик бизга отамерос, - дейди Каримжон. - Саъдулла бобомнинг қўлида ўсдим ва у кишидан дурадгорликнинг ноқис сирларини ўргандим. Мана, ун беш йилдирки, шу иш билан шуғулланаман. Маҳалламиз ободончилигига оз бўлса-да хисса қўйиш ниятида ушбу устaxonани очдим. Қаватимда шогирдларим бор. Даромадимиз ёмон бўлмапти. Ҳар ойда 150-200 минг сўм соф фойда олаётимиз.

Каримжон Алимов устaxonани кенгайтириш, банкдан кредит олиб, янги технология ўрнатиш ва шу ернинг ўзида хорижийкидан қилишмайдиغان мебеллар ишлаб чиқариш ниятида. Устaxonани сайёҳаракати боис ўнлаб маҳалладошлари ишли бўлди.

ЎЗА, «Туркистон-пресс»

МОДДИЙ ЁРДАМ ВА НАФАҚАГА

кўз олайтирганлар

натижалар қониқарли эмаслиги ачинарли ҳолдир. Мана бу мисолларга эътибор қаратсак. 341 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 7 миллион 321 минг сўмлик моддий ёрдам ва нафақалар нотиқари тўланганлиги аниқланди. 240 та фуқаролар йиғинларида 4 миллион 769 минг сўмлик, вақтинчалик ишламайдиган оналарга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақанинг 74 та маҳалла фуқаролар йиғинларида 2 миллион 275 минг, шунингдек, кам таъминланган оналарга ажратилган моддий ёрдам пули буйича 288 минг сўм маблағ қонунда белгиланган талаблар даражасида сарфланмаган.

Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасининг

«Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси юзасидан ўтказган текшириш натижаларига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бериш эвазига 25 минг сўм пора олганида қўлга тушди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган маблағлардан

«Ишонч» фойда этиди

ят иши қўзғатилди. Давлат маблағларини

ушбу давлат банклари томонидан маҳаллаларга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 8 миллиард 945 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шу маблағлар ҳисобига 17 минг 890 та янги иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган вақти давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги 70-сонли қарори талаблари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра аниқланган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилди.

Ё.ТУРДИЕВ, Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, адиля маслаҳатчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И
2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида

(Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 декабрдаги Ф-1680-сон Фармойиши билан тузилган Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Р.Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари билан биргаликда 2003 йил якунлари бўйича мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган корхоналар ва объектиларни хусусийлаштириш натижаларини пухта хатловдан ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган рўйхатларга

мувофиқ объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва сотишни амалга оширсинлар, корхоналарни баҳолаш ва сотишга тайёрлаш муддатларини мумкин қадар қисқартирсинлар, уларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки: корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш уларнинг устивазамасидаги давлат улушини сақлаб қолмасдан амалга оширилади, давлат улуши уларда Хукуматнинг тегишли қарорлари билан бириктирилган корхоналар бундан мустасно;

хорижий инвесторлар томонидан корхоналар акциялари, улушлари (пайлари) ва объектлар тўлиқ сотиб олинганда уларнинг инвестиция мажбуриятлари ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш учун асбоб-ускуналарга, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар етказиб бериш, инвестор томонидан корхоналарнинг боджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидagi қарзларини қайтариш ва Хукумат қаролати остида олинган кредитларни қоплаш йўли билан тўғридан-тўғри амалга оширилиши мумкин;

ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвесторларнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида келтириладиган технология асбоб-ускуналарга эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган вақтдан бошлаб инвестиция даврида божхона тўловларидан озод қилинади (божхона расмиёлаштируви йўғимлари бундан мустасно);

Тендер савдолари ўтказиш бўйича давлат комиссияси ва Давлат мулки қўмитаси ҳайъати қарорига кўра таркибий ўзгартириш ва соғломлаштиришда мустақил равишда молиявий ресурсларни қидириб топишга қодир бўлмаган, зарар қўриб ишлаётган, молиявий жиҳатдан нораз ва паст рентабелли корхоналарнинг давлат активлари, сотиб олувчилар томонидан техника билан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун етарли бўлган инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган, шунингдек корхонанинг кредиторлик қарзи тўланган тақдирда, инвесторларга номиналдан паст нархлар бўйича танлов шартларида сотилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда давлат актив-

ларини номиналдан паст нархлар бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 апрел

Юроричирик туманидаги Янгибозор нон ишлаб чиқариш унитар корхонасида тайёрланаётган махсулот турлари кўпайиб бормоқда.

Шу мақсадда бозор талаблари ҳар томонлама ўрганилиб, харидорнинг махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилинапти. Натижада жорий йил бошидан қанд ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Юзга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада 10 турда нон, 5 турда макарон, 4 турда қандолат махсулотлари тайрланмоқда.

Энг муҳими корхонанинг бўрсилдоқ ва сифатли махсулотлари истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Суратларда: лаборант-технолог Х.Миртурсунова; корхонанинг илгор ишчилари А.Абдукаримов ҳамда Ф.Қорахўжаева.



«ИНТЕР ТОЛА» - ЧИҚИТСИЗ КОРХОНА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари билан биргаликда 2003 йил якунлари бўйича мазкур қарорга 5-иловада кўрсатилган корхоналар ва объектиларни хусусийлаштириш натижаларини пухта хатловдан ўтказсин.

Тумандаги «Таъминотчи» ҳиссдорлик жамияти ҳамда Россиядаги «Желдорснаб» акциядорлик жамияти таъсис этган мазкур қўшма корхонанинг низом жамғармаси 150 минг долларни ташкил этди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу қўшма корхонанинг очилиши қўллаб-қувватлаш ва сифатли махсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига Ш А Р Х

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида қарор қабул қилди. Қабул қилинган қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони билан амалга оширишда муҳим босқич ҳисобланади.

Қарорнинг моҳияти ва мазмуни, унинг мақсади ва вазифалари куйидагилардан иборат. Бир неча ой мобайнида Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия томонидан устав жамғармаларида давлатга тегишли улуш мавжуд бўлган корхоналарни хатловдан ўтказиш ва улар фаолиятини ўрганиб чиқиш бўйича катта иш қилинди. Жойларга борилиб салкам 4 минг корхона ва объект текшириб чиқилди. Хар бир муайян корхона бўйича техник даража ва молиявий ҳолат, унинг мамлакат иқтисодиётига ривожлантиришдаги роли, давлат улушини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқлиги, шунингдек мазкур корхона қанчалик истиқболли ва инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар учун жалб этишчан эканлиги танқидий баҳоланди.

Мана шундай ўрганиб чиқиш асосида таҳлил қилинган барча корхоналар келгусида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўналишлари ва кўллари бўйича тўртта асосий гуруҳга тегишли деб топилди.

Энг кўламли бўлган биринчи гуруҳга қарийб 1400 корхона киритилди, улар бўйича 2003-2004 йиллар мобайнида устав жамғармаларидаги 25 фоиз ва ундан камироқ миқдордаги давлатга тегишли улушини, шунингдек ушбу корхоналарнинг ҳали жойлаштирилмаган активларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотиш назарда тутилади.

Қайд этиш керакики, ушбу гуруҳ

акциялари ҳозирдаёқ фонд бозорига инвесторлар орасида кенг талабдор бўлган корхоналарни бирлаштиради.

Иккинчи гуруҳ - бу ҳозирги вақтда давлат мулки бўлган корхоналардир. Қарорга мувофиқ ушбу корхоналарни фонд бозорига, биринчи навбатда, ахлит ҳолда хусусий мулк қилиб тўлиқ сотишга қарор қилинди.

Учинчи гуруҳни бир неча йиллар мобайнида барқарор турғунлик ҳолатида бўлган корхоналар ташкил этади. Улар бўйича давлат тасарруфидан чиқаришга доир қатъий чора-тадбирлар қўриш назарда тутилди. Улар 2003 йил мобайнида тўлиқ хусусийлаштирилиши керак. Шу билан бирга, хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссияга, Давлат мулки қўмитасига, Вазирлар Маҳкамаси Комплексларига 2003 йил якунлари бўйича ушбу корхоналар ва объектиларни хусусийлаштириш натижаларини пухта хатловдан ўтказиш топширилди. Мана шунинг асосида, инвесторларда қизиқиш уйғотмайдиган ва келгусида ривожланиш истиқболларига эга бўлмаган корхоналарни аниқлаш зарур. Бундай корхоналар давлат респидридан чиқарилган ҳолда кейинчалик тугатилиши керак. Бунда ушбу корхоналарни, уларга тегишли бўлган асбоб-ускуналарни ва бошқа мол-мулкларни қисмларга бўлиб сотиш мўлжалланган. Шу билан бирга айрим тугатилмаган истиқболсиз корхоналар ва объектлар бўйича улар эгаллаб турган ер участкаларини иморатлари билан биргаликда танлов асосида хўжалик юритувчи бошқа субъектларга бериш назарда тутилади.

Тўртинчи гуруҳга чекланган доирадаги, қоидага кўра, йирик, стратегик аҳамиятли корхоналар киритилди. Мазкур корхоналар бўйича уларнинг устав жамғармаларида давлат улушини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб эътироф этилди. Айни вақтда ушбу корхоналарни бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, акциядор-мулкдорларнинг ўз ролини анча кучайтириш, қузатувчи кенгашларнинг ваколатини мустақамлаш, тасдиқланган бизнес-режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, корхоналарнинг молиявий ҳолати, фойда кўриш ва акциядорларга дивидендлар тўлаш учун ижрочи директорларнинг маъсулиятини ошириш вазифаси қўйилди.

Қарорда иқтисодий ночор корхоналарни хусусийлаштириш механизмига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, зарар қўриб ишловчи ва паст рентабелли корхоналарга жойлаштирилмаган давлат активларини танлов шартларида уларнинг номинал қийматидан паст нархда сотиш ҳуқуқи берилган. Агар янги мулкдор техника билан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, корхонанинг мавжуд кредиторлик қарзини қайтариш учун етарли бўлган миқдорларда инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига қабул қилса, сотишнинг бундай тартибига йўл қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қабул қилинган 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури амалга оширилиши натижасида мулк тузилмасида тўз ўзгаришлар юз беради, корхоналарнинг устав сармояларида, тармоқларда ва умуман иқтисодиётда давлатнинг иштироки кескин қисқаради, хусусий секторнинг роли ва аҳамияти жиҳидий равишда ошади, хусусийлаштириш жараёнига инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб этиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратилади.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Банклар бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига, ислохотларнинг рўёбга чиқишида катта аҳамият касб этмоқда. Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, фермер хўжалиқлари тараққиёти, мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган улкан яратувчилик ишларида уларнинг мадади сезиларли бўлмоқда.

Банкларимиз салоҳияти, етук мутахассисларга эгалиги, тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва барқарор ривож кичик хўжалик субъектларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга имконият яратяди. Мисол учун «Пахта Банк»нинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан ўтган йили берилган кредитнинг умумий миқдори 77 миллиард 255 миллион сўмдан ошиб кетди. Улар асосан қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттиришига йўналтирилди. Пахта мавсумида теримчи ва ҳашарчиларнинг иш хақи учун 6 миллиард 343 миллион сўм нақд пул берилди. Қишлоқ хўжалиги, таъминотнинг тайёриги ва саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий қўрсаткичлари бўйича мониторинг ўрнатилган. 2002 йилда ушбу корхоналарнинг ривожлантириш учун жами 3 миллиард 374 миллион сўм қисқа муддатли кредит ажратилди ва 1 миллиард 330 миллион сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди.

Маълумки, газ ва сув ўлچаси асбоблари ўрнатиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Банкимиз ана шу муаммони ҳал этилишига ўз хиссасини қўшаётми. Хусусан, «Намангангазтаъминот» шўбха корхонаси газ ўлچаси рақибларни сотиб олиш учун 20 миллион сўм кредит олиб, уни ўз вақтида қайтарди. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш фаолияти-

гайтириш мақсадида кейинги йилларда узлуксиз ишлаб турадиган бир неча мини банклар ташкил этилди. Улар компьютер ва бошқа техник воситалар, «Модем» алоқаси билан таъминланган. Биргина 300 нафардан зиёд мижозга хизмат қилмоқда. Учқўрғон туманининг «Кўрай» қишлоғидаги шохобчадан ҳам мижозлар

қисқа, ўрта ва узок муддатли кредитлар бериш режалаштирилган. Йил давомида 738 миллион сўм соф фойда олишни мўлжалланганмиш. Шу қўшмада пласткарточка тўлов тизимини жорий этиш, савдо шохобчаларига терминаллар ўрнатиш учун ҳозирлик борапти. Банк жараёни бўлимида эса банккоматлар ўрнатиш ва ишга туширилди.

КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

ажратилган кредитларнинг умумий миқдори бир миллиард 320 миллион сўмдан ошиб кетди. Ушбу кредитларнинг 1 миллиард 101 миллион сўми банкнинг ўз маблағлари ҳиссасига тўғри келади. Натижада 1100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Шунинг қарийб 40 фоизи қишлоқ хўжалик тармоғига тўғри келади. Бу тармоқда фаолият бошлаган тадбиркорларга 379 миллион сўм кредит берилиб, бунга улар техника асбоб-ускуналар, уруллик, чорва моллари сотиб олишди. Яқунланган йилда фермер хўжалиқлари вилоятда еттиштирилган галланинг 16 фоизи, пахтачинг 21 фоизи етказиб беришди. Бинобарин, жорий йилда ҳам банкимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига қишлоқ хўжалик техникаси ва минн технологиялар олиш учун лизинг хизматлари кўрсатилишни кенгайтириш, курсатилмаган консалтинг ва инжиниринг хизматлари сифати ва ҳажмининг оширишга эътибор қаратилмоқда.

Мамнун. Бу тадбирлар одамлар узоғини яқин, мушкулчини осон қилмоқда. Хорижий кредит линияларини ўзлаштириш борасида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини чет-эл сармосини иштирокида кредитлашда асосий эътибор экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилмоқда. Масалан, бошқармаимиз томонидан хорижий кредит линияси ҳисобидан қарз олиш учун 9 та лойиҳа тайёрланган. Чуст туман агрофирмаси қошида мевадан шарбат ва юре тайёрлаш лойиҳаси банк томонидан маъқулланди. Ушбу лойиҳани экспертиза учун ва келгусида молиялаштириш мақсадида тегишли идорага тақдим этилди. Бунинг учун олинмаган қарзинг умумий миқдори 1 миллион 780 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мақсад ва интилишимиз кичик ва узок муддатли кредитлар салмоғини ошириб, илоҳи борица кўпроқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришидир. Кейинги пайлардаги кузатишлар кичик хўжалик субъектларининг турли хил маъсаладорини ва хизматларга эҳтиёж сезаётганлигини кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида банкларнинг уларга хўсб-қасса хизмати кўрсатишда янги технологиялардан самаралани фойдаланиш, хизмат турларини янада кенгайтириш, ссуда маблағлари, уларнинг барқарор ривожланиши учун эса инвестиция маблағлар билан таъминланиши тағин ҳам яхшилашни талаб этади.

Хуллас, банкимиз жамоаси мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ва ҳақондаги тараққий этган давлатлар қаторидан тазроқ ҳоли олишга кўпроқ ҳисса қўшишга интиломоқда.

Акромжон СОДИҚОВ, акционерлик тижорат «Пахта Банк»нинг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Қонун барчага баробар

Дўстлик туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни юзасидан текшириш ўтказилганда, вояга етмаганлар

масканларида тўшунтириш ишлари олиб бориш етарли йўлга қўйилмаган. Халқ таълими бўлими ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан маҳаллалар ва жамоат жойла-

қуйда бетайин юриши етмагандек, болаларни тиламчилик қилиб, пул топишга маж-

Шундай оналар борки...

билан ишлашда анчагина ишлар қилинганлиги кузатилди. Шунга қарамадан, ондасонда бўлса-да, бозор ва дўконларда қонунга хилоф равишда савдо фаолияти билан шуғулланиш, кўчаларда спиртли ичимликлар ичиб, сигарета чекиб юриш, мактабга бормаслик сингари салбий ҳолатлар учрамоқда. Бу борада туман ички ишлар бўлими ва ҳокимлик қўшидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонлар учрамоқда. Жумладан, мактаб, коллеж ва бошқа ўқув

рида вояга етмаганларнинг ўқилиши жалб қилиниши, уларнинг тарбияси, оиласидаги муҳит ўрганилиб, тегишли чоралар қўлланилмаган. Текширишда Дўстлик шаҳри Ҳамза кўчасидаги «Дўстлик» пахта тазалаш корхонасига қарашли ётоқхонада вояга етмаган икки нафар фарзанди билан яшаётган Гулбахор Маматқўлова оила-сидаги ноҳус ҳолат ўрганиб чиқилди. Таассуфлар бўлинсинки, у жамият ва жамоатчилик олдида ўз оналик бурчинини унутиб, фарзандлари Адолат ва Тамаралар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган. У ҳеч жойда ишламасдан, кўча-

ман прокуратураси томонидан уни оналик ҳуқуқидан махрум этиш ҳақида даъво аризаси киритилди. Туманда баъзи ҳолларда икки ёшга бөласи бўлган аёлларга нафақа пуллари тўлашда қонун бузилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, Дўстлик шаҳрининг Гафур Фулом маҳалласида яшовчи она Саломат Фозиевага ўтган йилнинг июл, август, сентябр ойлари учун тайинланган 22125 сўм нафақа пули туман молия бўлимининг айби билан тўланмаган. Прокуратура текширувидан сўнг онага етказилган зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилди ва Саломат Фозиевага нафақа пули ундириб берилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ИРОҚНИ ТИКЛАШ УЧУН 79 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

«Террорчиларнинг Ироқдаги иттифоқдоши, оммавий қирғин қуролларини яратган тузум ва унинг раҳбари ўтмишда қолди. Энди жаҳон ҳамжамияти Ироққа нисбатан жорий этилган иқтисодий жазони бекор қилиш тўғрисида йўлаб қўрсам бўлади». АҚШ президенти Жорж Бушнинг бу гаплари Ок уй маъмурияти биринчи навбатда Ироқдаги иқтисодий вазиятни ўнглашга эътибор қаратиш ниятида эканини намоян этди. Кўп йиллик урушлар, тузум ёвузликларидан қақди букилиб қолган мамлакатни тиклашнинг энг самарали усули ҳам аслида мана шу.

АҚШнинг Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳрида жойлашган «Боинг» корпорацияси заводида «Ф-18» қирувчи самолётлари ишлаб чиқарилади. Жорж Буш шу корхонага ташриф буюриб, завод ишчилари олдидagi нутқини деярли тўла Ироқ масаласига бағишлади. АҚШ президентининг айтишича, у Конгресс томонидан Ироқдаги таркибий операция ва мамлакатни тиклаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун қўшимча 79 миллиард доллар ажратиш тўғрисида қабул қилинган қонунга имзо чеккан. Бун-

дан ташқари, Ж.Бушнинг сўзларидан шуни илғаб олиш мумкинки, иқтисодий жазонинг бекор қилиниши жаҳон ҳамжамиятининг Ироқни тиклаш борасидаги биринчи қадами бўлади, холос.

Герхард Шрёдер бу жараёнда марказий ўрин БМТга берилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Европа Иттифоқининг Афина саммитида у БМТ Бош қотиби Кофи Аннан билан учрашди ва суҳбат қовғида томонлар Ироқни тиклаш жараёнида жаҳон ҳамжамияти фаол қатнашиши лозим, деган тўхтамга келди. Бундан ташқари, Г.Шрёдер ва К.Аннаннинг фикрича, айни пайтда Ироқ халқига илоҳи борица тазроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Ок уй раҳбари Ироқда юзага келган ҳолатга тўхталар экан, ҳали вазият тўла ўнганмаган бўлса-да, мамлакатдаги тузум йўқ қилинганини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Ж.Бушнинг фикрича, Ироқда гумандарлик ва инсонпарварликнинг қўллаб-қувватлаш зарур.

Ок уй раҳбари энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турган террорчилик борасида гапириб, АҚШ бу балога қарши дунё миқёсида курашишни давом эттиришини яна бир бор таъкидлаб ўтди.

Шарҳловчи минбари

Ироқни тиклаш, мамлакатдаги вазиятни ўнглаш масаласи дунёнинг барча жойида кизгин муҳокама қилинмоқда. Шу жумладан Европада ҳам Ироқни тиклаш борасида гапириб, Германия федерал канцлери

Ироқдаги ҳарбий харажатларнинг асосий босқичи тугагач, иттифоқчилар яқин вақт ичида Ироқдаги ҳарбийлар сони камайирилишини маълум қилди. Хусусан, Австралия бош вазирини Жон Говардиннинг айтишича, май ойида бу мамлакатнинг Ироқдаги ҳарбийлари сони тахминан ярмига қисқаради. Хозир Ироқда икки мингга яқин австралиялик ҳарбий бор. Шу билан бирга, Австралининг ҳозирги кунда Ироқ яқинида турган иккита ҳарбий кемаси, ўн тўрт ҳарбий самолёт ва бошқа ҳарбий техникаси ҳам доимий қўналғаси томон йўл олади.

Бобур СОБИРОВ, ЎЗА шарҳловчиси

ШУХРАТ: МЕН ЯШАЙМАН УЛУФ ХАЛҚИМНИНГ НИЯТИДА, ОРЗУ, ЭРКИДА

ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Шухрат акадан, шубҳасиз, яхши ном колди. Адиб Шухратдан катта ижодий мерос колди.

Шухрат ака табиятан ҳалол, пок инсон эди. У ёшларга хайрихоҳлигини яшириб ўтирмас, қўлидан келганича ёрдам қилар эди.

Менинг ўзим Шухрат аканинг оғалик меҳрини сира унутмайман. Албатта, адабиётимиз тоғлари силсиласида бошини оппоқ қор қўлгаган чўкчи сингари Шухрат сиймоси ҳам доимо кўзга ташланиб тураверади.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси

«Меҳнатни ўнг қўл қилади, Тилла-соатни чап қўл тақад...»

Бу икки сатр Шухратнинг таржимани ҳоли эди.

Бу икки сатр унинг орзу-армонлари эди.

Бу икки сатр ўқиб қалбнинг алламли нидоси эди... Шухрат кетди. Қайтиб келмас бўлиб кетди. У сўзсиз, жимгина оламдан ўтди. Аммо дунёдан ном-нишонсиз кетмади. Халқига ўр роман, ўнлаб шеър йўллар ташлаб кетди. Қалб ҳарорати, юрак қони билан битилган бу китоблар ада-

биёт хазинасидан муносиб жой олди.

Саид АХМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Шухрат ака орамиздан бевакт кетдилар. Лекин бу нодир сиймоннинг Ватан ҳимоясида ва ижод соҳасида қўрсатган жасоратлари умрбод дилмиз турида яшашга муносибдир.

Пиримкул КОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Адам чин маънода миллий шоир эдилар. Бу нарса у кишининг табиятида борлиги учун ҳам ёзганлари барчага тушунарли ва бир ўқишдаёқ ёқиб қолар эди. У киши аждодларимиз қадриятларига содиқ қолиб, оғир кунда бардошли бўлишга ўндоғич, тоғуликка чакирвучи асарлар битдилар. Эркин ҳаёт, иттифоқлик ва бирлик учун сўз ва қалам билан курашдилар. У киши миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб, камол топган эдилар. Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий сингари этлар тутган насихатгўйлик йўлини изчил давом эттиришни хуш кўрадилар. Шу тўғриси халқимиз қалбини ром эта оладиган асарлар битишга муваффақ бўдилар.

Бобур АЛИМОВ,
адибнинг ўғли



Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

АДИБ БОҒЛАРИ

Ўзига йўл излаётган чашмага биров ҳаётбахш қўли билан кичкинагина ирмоқ очиб беради. Ана шу ирмоқ узок йўл юриб, сойларга, дарёларга қўшилади. Ўзининг катта йўлини топиб олади. Кимдир бу чашмани безарволик билан пайкамай ўтиши, биров эса тош ташлаб бу чашманинг кўзини беркитиши мумкин. Чашмани илғаш учун одамзотнинг қалбида яхшилик, меҳр деган бир зиб бўлиши керак. Унинг зуваласида эзгулик кимёси бўлмоғи даркор. Адабиётга кириб келаётган ёш ҳаваскор шоир ва ёзувчиларни ўзига йўл излаётган шу ирмоққа ўхшатса бўлади.

Мен ёшларнинг меҳрибон устози, гоёт файзли ва жонқуяр инсон шоир Шухратнинг дастлаб «Турон» кутубхонасидаги ижодий учрашувда кўрганман. Уша йиллари талабалар орасида шоирнинг «Сенинг севгинг», «Ишқингда ёниб» китоблари жуда машҳур бўлиб кетган эди. Содда, самимий, нури сатрларни биз ёд олиб, илхос билан давларда ўқир эдик. Биз шоирни муҳаббат ёшидаги навқирон деб ўйлардик. Учрашувда ҳаяжонланиб, гоёт сиполик билан шеър ўқиб берган шоир Шухратнинг сочлари қордай оппоқ эди. Бу сочларга бевакт ёққан қорлар замиларида қанча машаққатли йиллар, оғир синовлар бор эканлигини бизнинг ёш шууримиз англаб етмаган эди...

Мен университетни битириш арасида иш сўраб Зулфиянонимга келдим. Устоз тегина «Шарқ юлдузи» тўғриси, унинг маъсул котиби Шухрат акага кўнгил қилдилар ва мен ҳақимда сўзлай бошладилар. Бир пайт сўздан тўхтадилар-да, Ойдинжон, сиз чиқиб туринг, олдингда мақтасам бўлмас, дедилар.

Мен ўшандан сўнг Шухрат акага учирадим. Танқили шоир ва ёзувчилар ишлаётган «Шарқ юлдузи» журнали мени ўз бағрига олди. Шухрат ака, қизим, ўқинишги тугагунча бизда тахрибга ўтаб турингчи, кейин бир фикрга келармиз, дедилар. Бир ой ўзимда йўқ севиниб журналда ишладим, битиришим билан адабий ходим қилиб ишга олишди.

Шухрат ака жуда меҳнатқаш, илтифотли, талабчан, каттиққўл эдилар. Қўлёнамлар билан ишлашнинг пири эдилар. Бир қўлингизда қалам, бирида ўчирғич

бўлсин, дердилар. Ёнимизда оқартиргич ҳам бўлишни тайинлардилар. Қўлёмани диққат билан ўқиб топ-тоза қилиб, қайта кўчирилган сатрларни эса ямоқлаб топширишимизни ўргатардилар. Эътиборсизлик қилиб, паллапартиши қўлёма тайёрласак, дурустгина қойиб берадилар. Асарларимиз журналда чиқса, қалам ҳақининг пиллигини кўтариб яхшигина «гонорар» ёзар эдилар. Ҳамма ёшларга шундай гамҳўр эдилар. Қўлларига қалам хақи тушган кунлари оталарча мурувват билан қўлимизга пул тутқазиб, кичкинтойинга ул-бул оларсан деб қўярдилар. Шухрат аканинг атрафида доимо ёшлар айланган юраверишарди. Уларнинг яхши қўнлари, ташвишли дамларида энг аввало, Шухрат ака ёнма-ён булар эдилар. Ёшларнинг қандай яшашлари, қандай ижод қилишлари ҳақида қай-қай гуриб юрадилар. «Шарқ юлдузи»нинг файзи, обрўси кўп жиҳатдан олижаноб, инсонпарвар Шухрат акага боғлиқ эди. Мана шу ташвишлар орасида катта-катта романлари ёзиб, ажойиб қўшиқ бўлғувчи шеърлар битиб, саҳна асарлари ижод қилиб юрган Шухрат ака бизлар учун таянч тоғдай эдилар. Шухрат аканинг рафикаси Турсун-ной ая ҳамиша дастурхон ёзиб, бекалик илтифоти билан муҳтоб ёшларни, мусофирликда яшаётган ижодкорларни ҳеч огринмасдан меҳмон қилар эдилар. Тўйларга Шухрат ака бош бўлардилар. Таъзиядорларнинг мотамига шерик эдилар. Кейинги йиллар Шухрат ака оғир бегоб бўлишларига қарамасдан тинимсиз ижод қилдилар. Бошларига тушган замона қулфларини энгиб, ҳеч қачон, ҳеч қимдан нолимадилар. Шухрат аканинг эътиқоди чинакам «Олтин зангламас» десам хато бўлмас. Бугунги адабиётимизда гуриқари мена бериб турган, улкан чинорларга айланган кўп шоирлар, ёзувчилар Шухрат аканинг парвариши, меҳру мурувати тўғриси камолга етганлар. Қўнгида одамларга яхшилик лиммо-лим бўлган инсонларгина бутун умрини, қўлидан келган барча саховатини элу юртидан аямайди. Назаримда камтарин, кўнгилик пок ва олижаноб устозимиз Шухрат ака умрини, барча саховатини тўлалигича халққа, шоғирларига, мухлисларига сарфлаб кетган бобгонга ўхшайди. Уларнинг яхшиликлари олдида ҳали биз кўп қарздоримиз.

«АГАР ҲАЁТ ШОИР БЎЛСА, СЎЗИ МУАЛЛИМ...»

Ҳаёт турли тасодифларга тўла. Унинг хар лаҳзаси инсонни эзгуликка, яхшиликларга қорлаб туради. Ана шу мўъжизани кўриш, унинг моҳиятига етиш учун эса инсоннинг кўнгли кўзи ҳамма тийрак бўлиши керак. Ўшанда 5-синфда ўқирдим. Адабиёт ўқитувчимиз Дилдора опа ўқитувчилар ҳақида бир шеър ўқиб бердилар. Устозлар мадҳ этилган бу шеърни барчамиз алоҳида қизиқиб билан тингладик. Гўёки бу ашёр бизнинг сеvimли устозимиз, дилбар қалби Дилдора оламизга бағишлагандай эди. Негаки, биз бу ўқитувчимизни жуда яхши кўрар эдик, у биз шоғирларнинг адабиётнинг сирли-сехри олимига бошлаб, қалбимизни китобга, сўзга меҳр ришталари билан боғлаб олган эди. Шу кун эса у шоғирлар қалбини Шухрат отлиг буюк шоир ва адиб асарлари билан мунаввар этди. «Ўқитувчи қасидаси»ни ана шу захматқаш шоир ёзган экан. Шеър шунчалик

Таъзим

самимий, содда ва равон тилда ёзилган эдики, бир лаҳзадаёқ у менинг мурғам қалбимни забт этди. Шу кун ижодимда муаллимлик касбига ҳавас

табда кеча ўтказдим. Камол деган эзго, ақлли, билимдон ўқувчим муаллимларга бағишланган ўша мен севган «Ўқитувчига қасида»сини айтиб берди. Шунда яхши шеър барҳаётлигига, у навқирон китобхон қалбида қайта-қайта тугилиб, мангу яшашига ишондим.

Сўзимнинг якунида шоирнинг шеърини яна бир қарра ёдга олам: **Агар ҳаёт бўстон эса, боғбон муаллим!** **Агар ҳаёт қарвон эса, сарбон муаллим.** **Агар ҳаёт олтин бўлса, заргар муаллим,** **Агар ҳаёт денгиз бўлса, гахгар муаллим.** **Агар ҳаёт узуг бўлса, кўзи муаллим.** **Агар ҳаёт шоир бўлса, сўзи муаллим.** **Чунки удир хар инсонга бергувчи таълим.** **Таълим сўзи ҳамисидан чиқмиш муаллим!** **Шоира РАУПОВА,** **ўқитувчи.**

Тоглардан узоқлашган сайн уларнинг салобати ва чиройини анда яхшироқ ҳис қиласан киши. Ҳамиша ҳаёт ва адабиёт билан ҳамнафас яшаб ўтган Шухрат ижоди ҳам йиллар ўтгани сайн китобхон қалбини янги-янги қирралари, ўзига хослиги билан оҳанрабодек тортиб келмоқда. Унинг курашлар

ОЛТИНДЕК ЗАНГЛАМАС, БЕБАҲО

ва оғир синовлар ичида ўтган ҳаёти, қийинчиликларга бардоши, куч ва иродаси, ўз иймон-эътиқодига содиқлиги биз ёшлар учун катта мактабдир. Дўста садоқатни, Ватанга меҳру муҳаббатни, ўз халқига, миллатига холис хизмат қилмоқчи Шухрат каби адиблардан ўрганмоқ керак. У миллий удмуримизни мукаммал билан қадриятлаган, кадрлайдиган нуруний сиймо бўлган. Бекорга адабиётимиз устунлиридан бири бўлган Абдулла Қаҳҳор уни беҳад севиб, ардоқламаган. Ёки Усмон Носирдек дилбар шоирнинг эҳтиромига беҳиз сазовор бўлмаган. Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаддек буюк қалбли ёзувчи билан дўст тутинмаган.

Ҳа, Шухрат ижоди барчани яхшиликларга, эзгуликдан куч олиб яшашга ўргатади. Айниқса, «Олтин зангламас» романида адиб она Ватан, миллат, инсон кадр-киммати, миллий фахр-ифтихор тўғриси улуғлайди. Ёзувчи бу асарини «Юрагимнинг очик яраси ва шукронаси», деб атаган экан. Негаки бу асар ўз даврининг тарих соломасидир. Шухратнинг жасорати ва ўткир қалами, қолаверса, журъати билан адабиётимизда каттагон қўрбонлари фожеаси ҳақида мукамал асар ёзилган эди. Бу уша давр учун катта журъат эди. Шухрат бу ишни урдасидан қилди. У каттагон қўрбонлари ҳаётини адабиётга олиб кирди, унинг фожеаларини ҳаққоний тасвирлаб берди.

Асар беш қаҳрамони содиқ бошига тушган қийин савдоларни, тухматларни сабр-тоқат билан энгиб, ўз эътиқодига содиқ қолади. Унинг миллат, эрк ва озодлик йўлидаги муштакам эътиқодини ёзувчи олтинга қўйслайди. Олтин эса ҳеч қачон зангламайди. Зеро, Шухрат ижоди ҳам халқимиз маданияти тарихидаги ўрни ва салоҳияти билан олтиндек зангламасдир.

Навобахор РАҲМОНОВА,
Гулноза ТУРГУНБЕКОВА,
Миллий Университет талабалари, Зулфия номидаги Давлат муқофоти соҳибалари.

Шухрат домла шеър ва достонлари, драма ва романлари билан адабиётимизда ўзига хос овозга, ўзига хос тасвирга эга бўлган, маданиятимиз раванкига улкан улуш қўшган ижодкордир.

Талабалик чоғларимизда адибнинг романларини иштиёқ билан ўқирдик, ўзимизча мулоҳаза қилардик...

Адашмасам, «Шинелли йиллар» романи уни верситетда муҳокама қилинаётганида мунаққид домлалардан бири асардаги бир лавҳага эътироз билдирди. Душман ҳужум қилган пайтда асар қаҳрамони, яъни жасур совет жангчиси хандаққа беркиниб олади. Киёмат-қойим. Бомбалар ёрилган, миналар портлаган, қулоқ том битган... Дахшат! Шунда асар қаҳрамони окоп бурчагида ётган бақага кўзи тушади. Бақанинг парвойи палак. Кўзини мултратиб, бемалол ўтирибди. Роман персонажининг ўша бақага ҳаваси келди. Мунаққид, наҳотки одамнинг аллақандай қурбақага ҳаваси келса, деди. Шухрат ака, ўша вазиятга ўзингиз тушсангиз, уруш қанақа бўлишини билардингиз, деб жавоб қилди...

Бир қарашда оддий бу савол-жавоб эсимда қолгани беҳиз эмас. Уша пайтда ёзилган уруш ҳақидаги асарлар нуқул «қаҳрамонлик»дан иборат бўларди. Шонли совет жангчиси ҳеч нимадан қўрқмайди, ўқи тугамайди, нуқул душманни қиравера-

ИЖОДА ҲАМ, ҲАЁТДА ҲАМ ҲАЛОЛ ИНСОН ЭДИ

да масъул котиб бўлиб ишлади. (Афсуски, мен у киши билан бирга ишлаётган эмасман. Бирок, ўз машқларимни энг мўътабар журналга олиб борганимда Шухрат ака билан мултратибман. Сухбатда бўлганман). Домла қаддини фоз тутиб юрадиган, салобатли, сочлари оппоқ, юзи нури одам эди. Ҳар гапини кесиб-кесиб, қатъият билан айтар, баъзан ноҳақликни кўрса, тутатиб кетар, ҳеч кимни аямасдан, ўзбекча айтганда «тўнни ечиб ташлаб», жанга кириб кетар эди. Бунинг ҳам ўз сабаби эди. Шухрат ака урушда қон кечди, инсон боласи чидаши қийин бўлган азобларни кўрди.

Адиб ёлгон-яшиқ шоирлар эмас, инсон қисмати ҳалол тасвирловчи асарлар ёзиш кераклигини ҳис этди ва шундай китоблар ёзди... Катта-кичик йиғинларда майда гаплар ўртага солинса, бор овоз билан ҳақиқатни ҳимоя қилишга уринди...

Домланинг яна бир фа-

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

пибсан. Оддий ўзбек аёлини дунё микёсига олиб чиқибсан! Кўз термасин! Оналар руҳи сенга мадақдор бўлсин! Бундан қийди. Шухрат ака Ташкентга келишга сабри чидамай, ўша ёқдан хат ёзган, қувончимга шерик бўлган... Ростини айтсам, бундай бағрикенглик ҳаммагям насиб этилган эмас...

Домланинг яна бир «соф Ташкентча» одати бор эди. Яхши кўрган шоғирларини «сан» деб гапирарди. Башарти менга «си» деб муражабат қилса, бирон сабаб билан у кишини ранжитиб қўймадимман, деб, ташвишга тушиб қолардим. (Оқсоқоллар орасида ўзини яқин олганидан ёки, шунчаки ёши улуглигини писанда қилиш учун «сен»лайдиганлар, ҳатто дуч келиб қолганида «яхши юрибсанми, боғлабсан, зўр асар ёзибсан», деб елкамга қоқадиган, икки қадам нарига бориб, гийбат қиладиганлари ҳам учраб туради. Устозларимдан икки кишининг «сан» деб муражабат қилиши менга гоёт табиий туюлади. Бири Шухрат домла эди, бири - Саид Аҳмад!)

Бир сўз билан айтганда, Шухрат домла ҳалол одам эди. Ижодда ҳам, ҳаётда ҳам!...

Мен ўзим кирмаган хонадонларда Китобим қўлма-қўл ўтиб юрибди.

Орзуга қаноту ҳаёга парда, Истиқбол маъшайли тутиб турибди.

Бу сатрлар Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ажойиб инсон Шухратнинг «Сенинг севгинг» китобидан олинди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган ушбу тўпلام машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган шоир таваллудининг 85 йиллигига муносиб совғаидир.

Дебوحасида келтирилган шоир эътирофи ва «Ён, чирогим» шеърини залворли китобда жамланган сатрларда гўё изоҳ бўлиб босилгандай. Бу изоҳда она Ватанини, жондан азиз халқини беҳад севиб, ардоқлаган қалбнинг иккори баён этилади. Тўпلام аввалида берилган Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ва Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг дил сўзларидан кўчирма китобининг кўз ўнгига Шухрат сиймосининг ўзбек адабиётинида катта мавқега эга эканлигини на-

моён этади. Зеро, Ватан истиқлоли ва истиқболини қўйлашда, унинг беназир куч ва салоҳияти эъзозлашда ҳам Шухрат ўз ўрнига эга эди. У олтиш йиллик ижодий фаолияти давомида Ва-

Фалсафийлик ва ватанпарварлик, инсонийлик ва меҳр-оқибат Шухрат ижодига хос хусусиятидир. Унинг шеърларида инсон қалбининг уришларини сезиб турасан, киши. Бу

ЯХШИЛИКНИНГ ЕЛКАСИДА БУ ОЛАМ

қалб ҳаёт ҳақида, қийинчиликларга қарши мардонавор курашмоқ, ҳатто умидсизлик олариди ҳам умидвор бўлмаққа ўргатади. Ўқувчининг тасаввурини кенгайтириб, руҳий белдорликка, Ватанин севмоққа, Миллий фахр-ифтихорга қорлайди. Негаки, бешафқат ҳаёт шоирни хар дақиқда оғир синовлар исканжасига ташлаган эди. Аммо шоир гам-кайғуда ҳам, шоду хуррамликда ҳам ўз сўзи, ўз овози билан халқ қалбига кириб борди. У бутун борлиги билан шеърингга, адабиётга боғланди. Оғир кунларда сўз унга ҳамроҳ бўлди, адабиёт унинг туйғуларини асраб-авайлади. Шу боис ҳам унинг охиригача сўзга содиқ қолди, адабиётда сўздан ўзига ҳайқал қўйиб кетди. «Мен ўлмайман» шеър

ланд эди. У дунёдан ҳамма нур қидириб яшади, ҳатто ёмонликлардан ҳам яхшилик излади: **Муродаг етмайди, ёвуз отган ўк, Гўёки нур билан йўрилган дунё.** ёки **О, таъна тошлари, таънам йўқ сизга, Сиз сабаб бўлдингиз, боқдим узоқроқ.**

Шухрат ана шундай олижаноб, иродали инсон эди. У дунёда ёмонликдан қўра яхшилик қўпчилигига ишонарди. Яхшилик унинг шеърларини нурилантириб турган чирок эди. **Яхшиликнинг елкасида бу олам, Яхшиликни ният қилсин хар одам,** деб ёзди шоир.

Яна «Эртанги кун учун бу қалбинг керак», дея одамларни

рида у шундай ёзди: **Мен яшайман улуг халқимнинг Ниятида, орзу, эркида.** Адолат эгилади, синмайди. Шоир Шухратнинг эътиқоди ба-

Тўхфа

яшашга, яратишга даъват этади. «Қора тунга ҳам соф ният билан кир» дея ўқувчини эзгуликка қорлайди.

Шоир ўқувчини хушёрликка, дунёнинг моҳиятини англамоққа чақиради. **Қўларимга боқинг - топ-тоза, Юзларимга боқинг ёп-ёруғ, Кўнглим эса нур тўла коса, Ниятларим экинган уруғ.**

Унинг шеърларидан халқимизнинг миллий қиёфаси, маънавий олами, ахлоқ-руҳияти, урф-одатлари уфуриб туради.

Тўпладан жой олган хар бир шеър шоир маънавий оламидан, кенг тафаккур дунёсидан сўзлайди. Бир сўз билан айтганда «Сенинг севгинг» тўплами Шухратдек буюк қалбли шоирга ўрнатилган ўзига хос ҳайқалдир.

А.КОДИРОВА.

Олмаликдаги «Аммофос» очик хиссадорлик жамиятининг «Кимёгар» маданият саройида Тошкент вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан ўқув-амалий семинар ўтказилди.

— Касаба уюшмалари тасарруфидаги маданият муассасалари, хусусан, клуб ва кутубхоналар меҳнаткашларга, айниқса ёшлар онгига миллий истиқлол гоёси руhini чуқур сингдириш, маданий-маънавий савияларини юксалтириш, дунёқарашларини кенгайтиришда алоҳида ўрин тутди. Деда вилоят касабаси уюшмалари кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Эътибор Раҳмонов. — Ушбу масканларнинг бозор иқтисодиёти шароитида узлуксиз фаолият кўрсатишини таъ-

КУТУБХОНА

қандай бўлиши керак?

минлаш, уларни янги адабиётлар, мустақиллик йилларида чоп этилган бадиий китоблар билан таъминлаш асосий масалалардан биридир. Корхона ва хўжаликлар билан ҳамкорликда мавжуд масканларни меҳнат ахлига янада яқинлаштириш касабаси уюшма фаолларининг долзарб вазифалари сирасига кирилади. Қизгин фикр алмашувларга бой бўлган семинарда «Кутубхона ишини ре-

Маънавият

жалаштириш ва шу асосда иш олиб бориш». «Кутубхона» ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини турли тўғаракларга жалб этиш мавзусида «Кимёгар» маданият маркази раҳбари Т.Юренконинг иш тажрибалари асосидаги суҳбати янги-янги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Уқув-семинар нихоясида иштирокчилар ушбу маданият масканида фаолият юритаётган тўғаракларнинг иш йўналишлари билан танишиш асосида бадиий хаваскорлик жамоалари кишиларидан ҳам баҳраманд бўлдilar. **М.ЎРМОНБЕКОВА, УзКУФК матбуот котиби.**

НУРОТАДА ЯГОНА

Нурота шаҳридаги 18-ўрта мактаб олимпиада захираси мактабига айлан-тирилди. Ушбу мактабнинг мақсади муайян фан йўналиши бўйича алоҳида иқтидорга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш, истеъдодларини ўстириш, таълим самардорлигини оширишдан иборат. Бу эса ўқувчининг ўзини кизиқтирган фан йўналиши бўйича олий ўқув юр-ларига киришини осонлаштиради. Ушбу таълим муассасида тумандаги барча мактаблардан саралаб олинган уч юзга яқин иқтидорли ўқувчи бугунги кунда Навоий вилоя-тида ана шундай олимпиада захираси мактаблари ўндан ошди. Уларда қарийб уч миң ўқувчи таълим олишапти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

Келажақ мактабдан бошланади. Вилоят ҳокимининг қарорига асосан Қашқадарёда ҳар ойнинг биринчи шанбаси «Таълим муассасалари куни» деб эълон қилинган.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУНИ

Вилоятда «Таълим муассасалари куни»нинг ўтказилиши мактаблар ва бошқа ўқув юр-ларининг оталик ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамол кишилар қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этапти. Маҳаллий ҳокимият идоралари, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, қорхона, ташкилот ва муассасалар, ширкат, дехқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари илм масканларига бориб таълим-тарбия ишлари билан танишмоқдалар. Мактаблар моддий техника базасини мустаҳкамлашда яқиндан қўллаб-қувватлашапти. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белги-ланган вазифаларнинг иккинчи bosқини Чирокчи туманида изчиллик билан амалга ошириляпти. Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар таълим жараёни сифатини янада таъминлашга бир миллион сўмликдан ортик дароликлар тортик қилинди. Тумандаги «Фаллакор» жамоа ширкат хўжалиги Файзулла Хўжаев номли мактабга 100 миң, «Дон маҳсулотлари» очик хиссадорлик жамияти Амир Темир номли мактабга 200 миң сўмлик дароликлар ва кўргазмали қуруллар олиб беришди. Бундай саховатпешалиқдан Лойқасой қишлоқ фуқаролар йиғини,

яти жамоалари ҳам четда қолмадилар. Билим масканларини таъмирлаш, ўқув хоналарини жиҳозлашга жиддий эътибор бераётган ва дарсликлардан фойдаланишини ижара тизимига ўтган Фузур туман Халқ таълими бўлими ходимлари ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб, уларда ижодкорлик ва чуқур билим эгаллаш кўникмаларини ҳосил қилиш йўлида ибратли ишларни амалга ошириляпти. Мактаблар билан хомийлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Тумандаги «Шўртан» ёрдамчи шўба қорхонаси раҳбари Х.Абдурахмонов Ал-Хоразмий номли мактабга 100 миң сўмлик, хўжалик ҳисобидида авторкорхона бошлиғи Ш.Каримов Майна Ҳасанова номли илм даргоҳига 70 миң сўмлик дароликлар совға қилишди. Халқ таълими фахрийлари Хидоят Маликова ва Саид Муҳаммадиевлар ўзлари ишлаган Ж.Қаққул номли мактаб кутубхонасига керакли ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётлари ҳада этиб, олжнанолик кўрсатишди. Таълим масканларига хомийлик ёрдам кўрсатиш Шаҳрисабз, Китоб туманлари ва Қарши шаҳрида ҳам яхши ташкил этиляпти.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

«ПАХТАКОР» ЯНА ПЕШҚАДАМ

бу «БЕК Теро» билан жавоб учрашувига қандай таъсир этаркин?

Хозир «Пахтакор»нинг ички чемпионатида ўтказётган ўйинлари асосан халқороб беллашуларга тайёргарлик bosқинчи сифатида баҳоланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Дейлик, қувасойликлар учун «Цементчи»нинг турнир жадвалида учинчи ўринни эгаллаб туриши катта воқеа сифатида қаралиши мумкин. Буни тушунса бўлади. Олий лига дебютантининг илдам одими нафақат Фаргона водийси, балки мамлакатимизнинг барча бурчларида самимият билан кутиб олинмоқда. Лекин «Пахтакор» пешқадамликка интиляпти, бутун сай-ҳаракати ана шу вазифани амалга оширишга хизмат қилдирилмоқда, дея олмаймиз. Бунинг исботини деярли ҳар бир турда кўриб турибмиз. Қаршининг «Насаф» жамоаси билан кенган матч ҳам бундан мустасно эмас. Мураббийлар «Насаф» сиймосида Таиланднинг «БЕК Теро Сасана» клубини тасаввур этган ҳолда тактика танлаган бўлсалар ҳам ҳеч ажабланмаймиз. Ахир Қашқадарёнинг бош командасига ҳос тезкорлик, шиддат ва голга чанқоқлик нимаси биландир «БЕК Теро»ни эслатган бўлиши ҳам мумкин. Афсуски, мухлислар бу учрашувдан тўла қониқиш ҳосил қилдилар, дея олмаймиз. Бунга ўйин ҳеч қутилмаганда кўпол тус олганлиги ҳам сабаб бўлди. Натижада бош ҳакам Бобур Ҳайдаров бир неча футболчиларга сарик қарточка кўрсатди, 43-дақиқада эса ҳатто меҳмонларнинг бир йўналиши майдондан ташқарига йўллашдан бошқа чора топилмади. Ҳаммасидан ҳам футбол ишқибозларида Асрор Алиқуловнинг собиқ жамоадорларидан кетма-кет турткилини нохуш таассурот уйғотди. Нега шундай бўлди? Наҳотки профессионализм тушунчаси ҳамон футболчиларимиз тафаккурдан мумкин ҳол олган бўлса? Ахир Асрор «Пахтакор»нинг бугунги кунда шундоқ ҳам таҳликали кўриниш олган ҳимоя чизигидаги энг ишонган ўйинчиларидан бири-ку! Усиэ «Пахтакор» 22 апрелда «БЕК Теро»га қарши қандай тўп суради?

Назаримизда федерациямиз мутасаддилари футболчи ахлоқ-одоби ва этикаси ҳақида жамоалар раҳбарлари билан вақт топиб ўқув-семинар ўтказсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳар ҳолда футбол бир кунлик ўйин эмас ва битта галаба учун жуда кўпчилиқнинг дилини хира қилишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаганлигини эслатиб қўйилса дуруст эди. Гарчанд «Пахтакор» жамоаси «Насаф» устидан 2:0 ҳисобида голлиб келиб, яна турнир пешқадими бўлиб олган эса-да, мухлислар стадионни асабий ва хомуш ҳолда тарк этганлари шундан.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	5	5	0	0	15-3	15
2. «Нефтчи»	4	4	0	0	14-2	12
3. «Цементчи»	4	2	1	1	5-2	7
4. «Дустлик»	4	2	1	1	5-4	7
5. «Насаф»	4	2	0	2	5-3	6
6. «Навбахор»	4	1	3	0	5-3	6
7. «Самарқанд-Д»	4	2	0	2	2-2	6
8. «Сурхон»	4	2	0	2	5-7	6
9. «Трактор»	5	2	0	3	6-15	6
10. «Кизилқум»	4	1	1	2	6-5	4
11. «Анджон»	4	1	1	2	4-5	4
12. «Гулiston»	4	1	1	2	3-8	4
13. «Металлург»	4	1	1	2	3-9	4
14. «Машъал»	4	1	0	3	6-5	3
15. «Кўқон-1912»	4	1	0	3	4-10	3
16. «Бухоро»	4	0	1	3	4-7	1

САМАРҚАНД «ДОРИ-ДАРМОН» ДАБСИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ 2003 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАГИ УМУМЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРИ

Мажлисда 33101 дона акцияси бўлган 73,3 фоиз овозга эга 84 акциядор қатнашди

- 1. Давлат ишончли вакили ҳисоботи. Кузатов кенгашининг давлат ишончли вакили фаолиятига берган баҳоси.
- 2. Кузатов кенгаши таркибини қайта кўриб чиқиш.
- 3. 2002 йил молиявий хўжалик фаолияти якуни бўйича Ижро этувчи орган ҳисоботи ва Ижро этувчи орган томонидан ишлаб чиқилган 2003 йил учун бизнес режа ва маъмурий харажатлар сметасини тасдиқлаш.
- 4. Ижро этувчи орган раҳбари билан 2003 йилга меҳнат шартномасини узайтириш. Шартнома муддатини бир йил муддатга белгилаш.
- 5. Бирлашманиннг 2002 йил якунлари бўйича аудитор хулосаси ва тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
- 6. Бирлашманиннг 2002 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш. Соф фойда ва дивидентларни ҳисоблаш.
- 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли Фармониға асосан бирлашма Устав фондани (50 000 АҚШ долларини микдорига) ошириш.
- 8. Республика «Дори-Дармон» ДАУСИ таъсисчилари ва бошқарувининг 2003 йил 14 февралдаги қўшма мажлиси қарорига асосан бирлашма ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш ва «Дори-Дармон» ДАК таркибига қўшиш.
- 9. Бирлашма таъсис ҳужжатларига белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

САМАРҚАНД «ДОРИ-ДАРМОН» ДАБСИ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМЙ ЙИГИЛИШИ ҚАРОРИ:

- 1. 1-масала бўйича:** 2002 йил учун Давлат ишончли вакили фаолияти қониқарли деб топилсин ва овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.
- 2. 2-масала бўйича:** Бирлашма кузатов кенгашининг янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин. 1. Насритдинов С.С Давлат ишончли вакили. 2. Қурбонов М.А. 3. Нурматов Т. 4. Юнусов А.Х. 5. Одилов А. 6. Сатторов Ш. 7. Каплинов Ю.Н. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.
- 3. 3-масала бўйича:** Бирлашма ижро этувчи органнинг 2002 йил якунлари ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Ижро этувчи орган раҳбари фаолияти қониқарли деб топилсин, 2003 йилга ишлаб чиқарилган бизнес режа ва маъмурий харажатлар сметаси тасдиқлансин. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

4. 4-масала бўйича: Ижро этувчи орган раҳбари Ф.А.Шерматов билан меҳнат шартномаси узайтирилсин; Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз. Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

5. 5-масала бўйича: 2002 йил якунлари аудитор хулосаси ва тафтиш комиссияси далолатномасини тасдиқлансин. 2003 йилга «Комил ишонч» аудиторлик фирмаси билан шартнома тузилсин. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз. Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

6. 6-масала бўйича: 2002 йил бирлашма бухгалтерия баланси ва йиллик ҳисоботлари тасдиқлансин ҳамда молиявий хўжалик фаолияти якунлари соф фойдаси 7 088 300 сўм қуйидагича тақсимлансин. 7 088 300 сўмнинг 50 фоизи, яъни 3 544 150 сўм дивидент тўловларига йўналтирилсин, қолган 50 фоизи, яъни 3 544 150 сўм бирлашма Устав сармосини оширишга йўналтирилсин. 1 дона акцияга 78 сўм 55 тийиндан дивидент ҳисоблансин. Давлат улushi 11279 дона акцияга (11279x78,55) 885 965 сўм 45 тийин.

Хусусий инвестиция фондлари (ХИФ) улushi 823 дона акцияга (823x78,55) 64 646 сўм 65 тийин. Меҳнат жамоаси ва ички инвесторларга сотилган акцияларга 15 234 дона акцияга (18836x78,55) 1. 479 567 сўм 80 тийин. «Олай-Фарм» АЖга тегишли 14 178 дона (14178x78,55) 1 113 681 сўм 90 тийин дивидентлар тўлансин. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32 206 дона 99,5 фоиз. Қаршиллар - 418 дона 0,5 фоиз. Бетарафлар - йўқ.

7. 7-масала бўйича: Бирлашма Устав сармоси 55 457 120 сўм қилиб белгилансин. 12 559 680 сўм тақсимланмаган фойда ҳисобига 14952 дона қўшимча акциялар қарилсин ва ҳар бир акциядорга улushiга мутаносиб равишда тақсимлансин. 1 дона акциянинг номинал қиймати 840 сўм. Умумий акциялар сони 60068 дона. Давлат улushi - 15 фоиз 7 568 400 сўмлик 9010 дона. Меҳнат жамоаси улushi - 10 фоиз 5 046 720 сўмлик 6008 дона. Эркин сотув улushi - 33,57 фоиз 16 952 880 сўмлик 20 182 дона. Чет эл инвесторлари улushi - 41,43 фоиз 20 889 120 сўмлик 24 868 дона.

Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз. Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

8. 8-масала бўйича: 8. Бирлашма ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилсин ва Республика «Дори-Дармон» ДАКси таркибига қўшилсин. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз. Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

9. 9-масала бўйича: Бирлашма таъсис ҳужжатларига белгиланган тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин. Ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича: Розилар - 32624 дона 100 фоиз. Қаршиллар - йўқ. Бетарафлар - йўқ.

Кузатов кенгаши раиси: А. ЮНУСОВ.

АЭРОФАЗО МАКТАБИДА

Халқороб аэрофазо ёзги мактаби машғулотларига тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Республика мида ҳар йили ўтказиладиган бу муҳим маърифий тадбирда иштирок этадиган иқтидорли номзодлар ҳам аниқланди.

Республика мактаб ўқувчилари саройида уюштирилган «Улугбек юлдузлари» кўрик-танловига голлиб бўлган толиби илмлар ёзги мактаб машғулотларида қатнашадилар. Улар ўз билими ва маънавий охириш жараёнида техника ва бадиий ижод соҳасидаги ўз иқтидорларини ҳам намоиш этадилар. Шунингдек, республика ёш саёхатчилар станцияси дастури бўйича ҳам ўзаро мусобақалар ташкил этиляпти.

ЭНГ СЕВИМЛИ АСАРЛАР ИЖРО ЭТИЛДИ

Тўхтасин Жалилов номидидаги халқ чолгу асбоблари оркестри репертуарида кўпгина бастакорлар асарлари бор. Танкили бастакор Тўлкин Қурбонов яратган мусикалар ҳам сонандалар томонидан маҳорат билан ижро этилмоқда.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида ташкил этилган концертда ана шу жоибалиқ куй ва қўшиқлар, мазкур мусикали кеча бастакор Т.Қурбонов хотирасига бағишланди. Шу муносабат билан оркестр профессор Фаррух Содиков раҳбарлигида махсус дастур тайёрлади. Хотира кечаси дастурдан ўрин олган қўшиқларни ижро этишда кўзга кўринган ҳушовоз хонандалар қатнашдилар.

А.АЛИЕВ.

Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтини томонидан 1972 йилда Фуломов Салимхўжа номига берилган №138085 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Тошпирилди - 22.10

Маънавийлик: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғовнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма таъбақ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй.